# ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ЛАНДШАФТЛАРИДАГИ ДИНАМИК ЖАРАЁНЛАР.

**Д.Абдурахмонов**
ФарДУ.

**Мавзунинг долзарблиги:** Парагенетик ландшафтлар ҳақидаги дастлабки илмий ғоялар Ф.Н.Мильков томонидан (1966), табиий географияга киритилган бўлиб кейинчалик А.Ю. Ретеюм (1977), В.В.Козин (1979) каби тадқиқотчилар томонидан ривожлантирилган.

Парагенетик ландшафтлар генетик жиҳатдан умумий бўлган геодинамик жараёнларнинг ўхшаш ва бир-бири билан боғлаб турувчи, муайян йўналишга эга бўлган геотизимлар мажмуаси ҳисобланади. Парагенетик ландшафтларда доимо вертикал ва горизонтал алоқалар бўлиб туради ва геокимёвий миграцион жараёнлардан иборат бўлади. Парагенетик ландшафтларни Ф.Н.Мильков шунинг учун парагенетик комплекс –тизимлар деб атаган.

Мазкур тадқиқот ишининг назарий ва метеодологик асоси сифатида юқорида қайд этилган муаллифлар (Ф.Н.Мильков, В.В.Козин, А.Ю.Ретеюм) нинг фикр ва ғоялари асос қилиб олинган.

**Тадқиқот объекти:** Тадқиқот худуди Фарғона водийсининг тоғ-текислик, адир-текислик парагенетик ландшафтлари ҳисобланиб, кўп йиллик илмий изланишлар натижасида улар ўртасидаги вертикал ва горизонтал алоқадорлик, парадинамик жараёнлар ва уларнинг интеграцион хусусиятлари аниқланди. Илмий тадқиқот ишида дала ландшафти кузатиш, картографик, ландшафт кесмалари бўйича ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот предмети:** сифатида Фарғона водийсининг жанубий қисмида жойлашган адир-текислик ландшафт турлари ва улардаги динамик жараёнларни ўрганиш белгиланди. Мазкур ландшафт турларини В.А.Николаевнинг (1970-1973) структура-генетик классификациясига кўра ажратдик Бу метод классификация қилишда индуктив йўналиш бўлиб, ландшафтларни морфологик жиҳатдан табақаланишига хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** парагенетик ландшафтлардаги динамик жараёнларни ўрганиш, уларнинг интеграциясидаги асосий тамойилларни таҳлил қилишдан иборат.

**Асосий натижалар:** тадқиқот объектимиз ҳисобланган Жанубий Фарғона худудида ғарбдан-шарққа томон Исфара, Сўх, Шўрсув, Риштон, Қапчиғай, Чимён, Саткак, Аввал, Арсиф, Қува, Полвонтош адирлари ва адирлар аро пастқамликлар, адир орти қия текисликлари, конус ёйилмаларининг ўрта ва юқори қисмлари жойлашган. Мазкур худуд генетик жиҳатдан бир хил морфолитоген асосга эга бўлган парагенетик ландшафтларни бирлаштиради. Адирларни литологик таркибида тоғли шағалли, леёсли жинслар асосий юқори ярусни ташкил қилса, текисликларда

International Conferences | Open Access | Scientific Online | Conference Proceedings
INTERNATIONAL CONFERENCES OF PRACTICE

уларни устини аллювиал, пролювиал генезисли тошли, шағалли, гилли жинслар ташкил қилади. Бу ётқизиқлар дарё ва сойликларнинг фаолияти, адирлар худудидаги ёнбағир жараёнлари билан бевосита боғлиқдир.

Сув –кимёвий режими ва дренаж хусусиятларига кўра ўрганилаётган худудда эллювиал, ярим гидроморф парагенетик комплекслар ажратилади. Фарғона водийсининг жанубидаги адир-текислик ладшафтлари парагенетик ландшафтлар комплексларини хосил қилади. Уларни таркибида юқори адирлар, паст адирлар, ясси адирлар, адирлараро чўкмалар, адирорти қия текисликлари ўзига хос вертикал ва горизонтал структураларни хосил қилади ва яхлит парагенетик моделни шакиллантиради. Парагенетик моделдаги динамик жараёнлар ва уларнинг интенсивлиги биринчи навбатда гипсометрик омилга, иқлимий жараёнларга, дарё ва сойликларнинг фаолиятига, ёнбағир жараёнларига ва ниҳоят янги тектоник харакатларнинг интенсивлигига боғлиқдир.

Ўрганилаётган худуддаги парагенетик ландшафтларда динамик жараёнларни юзага келтирувчи ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган 3та асосий омилни аниқланди ва булар: иқлимий жараёнлар, гравитацион жараёнлар ва инсон хўжалик фаолияти ҳисобланади.

Парагенетик ландшафтлардаги етакчи динамик омил иқлимий жараёнлар ҳисобланиб аслида адир ва текислик геогкомплексларида кескин фарқланувчи иқлимий тафовутлар кузатилмайди. Ҳавонинг хароратидаги фарқлар сезирарли бўлмагани холда ғарбий адирлар худудида йиллик ёғин миқдори 100 мм атрофида ва шарққа томон 180-250 мм га ортади. Атмосфера ёғинлари ёнбағирларни ювилишига ва баъзан сел оқимларини ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Баланд ( Чимён, Арсиф, Қува, Полвонтош) адирларда ёғинлар туфайли тупроқ копламини ювилиши туфайли тошли-шағалли жинслар очилиб қолади. Натижада чимли қатлам ҳосил бўлиши қийинлашади. Адирлар этагида ёғинлар келтирган намлик ҳисобига эфимерларнинг бирмунча қалин формациялари шаклланади. Лекин асосан лёсли таркибга эга бўлган тупроқлар ювилишига мойил бўлиб, интенсив ёғинлар туфайли пастроқ худудларга олиб кетилади. Адир-текислик парагенетик тизимларида кўпинча бир томонлама яъни қуйига харакатланувчи оқим туфайли кичик-кичик жўяклар, аста-секин эса улар ўсиб чуқур жарликларга айланади. Бундай холатни Чимён ва Арсиф адирларининг лёсли жинслар тарқалган шимолий ёнбағирларда кузатилди. Адирларнинг ўзлаштирилган ва суғориладиган ёнбағирларида (Арсиф, Қува адирлари) ирригацион жарлик, карст ўпқонлари учрайди.

Фарғона водийси жанубий қисми адир-текислик парагенетик ландшафтларидаги динамик жараёнлар адирлар худудини кесиб ўтувчи Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрам дарёларининг фаолияти билан ҳам бевосита боғлиқдир. Мазкур сойликлар адирлар халқасидан ўтгандан сўнг конус ёйилмаларини янада кенгайтирадилар. Адирларни кесиб ўтиш қисмида эса чуқурлама эрозия кучаяди. Дарёларни бундай фаолияти янги тектоник харакатлар билан боғлиқ бўлиб, адирлар халқасини бирмунча фаол кўтарилаётганлигини

кўрсатади. Шунингдек, баланд адирларни чекка борт қисмларини очилиб қолиши ҳам геодинамик жараёнларни исботлаб беради.

Адир-текислик парагенетик комплекслари ўртасидаги ўтувчи полосалар функциясини айнан уларни кесиб ўтувчи сойликлар бажаради ва шунга кўра ландшафт экотонлари номини олади.

Адирлараро чўкмалар, адир олди ва адир орти қия текисликлари парагенетик ландшафтларнинг қуйи поғонасини ташкил этади. Мазкур худудлардаги динамик жараёнларда инсон хўжалик фаолияти асосий ўринни эгаллайди. Суғориш айниқса динамик жараёнларни бошқаришда муҳим омил ҳисобланади. Ландшафтнинг тупроқ компоненти динамик жараёнларни асосий манбаси ҳисобланади. Шунга кўра ландшафтлардаги динамик жараёнларда тупроқ асосий субстрат ва восита ролини ўйнайди. Суғориш орқали намлик алмашуви билан бирга туз алмашуви содир бўлади. Бу жараён конус ёйилмаларининг қуйи қисмлари ва Марказий Фарғонанинг дренаж холатининг ёмонлиги туфайли сизот сувларнинг вертикал харакатига шароит яратади. Натижада тупроқ қопламининг шўрланиши ва ландшафтнинг гидроморфлашув жараёнларини ўзида акс эттиради, маданий ва табиий ўсимликларда биологик маҳсулдорлик пасаяди. Бундай холатда тупроқлар билан бирга ландшафтнинг ўсимлик компоненти динамик тизим сифатида эътироф этилади.

**Хулосалар.** Олиб бораётган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, Фарғона водийсидаги тоғ-текислик, адир-текислик парагенетик ландшафтлари тизими элементар ландшафтларнинг генетик боғланган тизимини ҳосил қилади.Геокимёвий жиҳатдан эса каскад геокимёвий тизимлар ҳисобланиб улар ўртасидаги геокимёвий алоқалар динамик жараёнларни ташкил этади. Кўпинча геокимёвий алоқалар геокимёвий бареьрлар (рельеф, жинслар, ўсимлик қоплами) га боғлиқ бўлиб миграцион жараёнлар парагенетик ландшафтларда бир хилда кечмайди, шунга кўра биологик маҳсулдорлик ҳам салбий натижаларни келтириб чиқариши мумкин.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. В.В.Козин Парагенетический ландшафтный анализ речных долин: учеб, пособие, Тюмень: изд-во ТГУ, 1979, 87 ст
2. Ф.Н.Мильков Парагенетические ландшафтные комплексы- Научые записки Воронежского отдела. Географического общества, Воронеж 1966, 125 с.
3. А.Ю.Ретеюм Парагенетические ландшафтные комплексы. Изд. Всесоюзн. Географического общество-Т-1. 1972 - 224 ст.